# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 31 октябрь, № 229 (9400) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ТУРКИЙ ДУНЁ ЖИПСЛИГИ ВА ТАРАҚҚИЁТИГА ҚАРАТИЛГАН ТАШАББУСЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг таклифига биноан 29-30 октябрь кунлари амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.**






Давлатимиз раҳбари 30 октябрь куни Анқара шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилотининг 13-саммитида иштирок этди.

“Туркий аср: тилда, фикрда ва ишда бирлик” шиори остида ўтказилган тадбирда Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов, Озарбайжон Республикаси ташқи ишлар вазири Жайхун Байрамов ҳамда Туркий давлатлар ташкилоти Бош котиби Кубаничбек Омуралиев ҳам қатнашди.

Саммит иштирокчилари кун тартибидаги долзарб масалаларни муҳокама қилиб, аъзо давлатлар ўртасидаги амалий ҳамкорликни янада чуқурлаштириш истиқболларини кўриб чиқдилар.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқининг аввалида мазкур йиғилиш буюк цивилизациялар чорраҳасида жойлашган Анқарада юксак савияда ташкил этилгани учун Туркия Президентига миннатдорлик билдирди.

Шунингдек, тадбир арафасида сўлим “Бештепа” боғида давлатларимизнинг миллий-маданий мажмуаси очилиши қардош халқларнинг муштарак меросини асраб-авайлашда муҳим қадам бўлгани ва бу рамзий ёдгорлик туркий дунё бирлигининг ёрқин тимсолига айланиши қайд этилди.

Президентимиз бугунги кунда халқаро муносабатлар тизими тубдан ўзгариб, геосиёсий рақобат кескинлашаётганини, туркий дунё атрофидаги минтақаларда кузатилаётган зиддиятлар хавфсизлик ва тараққиёт истиқболларига салбий таъсир кўрсатаётганини таъкидлади.

Шу боис Туркий давлатлар ташкилотини ўзаро ишонч ва амалий шериклик майдони сифатида янада жипслаштириш зарурлигига эътибор қаратди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли Режеп Таййип Эрдоған Жаноби Олийлари!

Ҳурматли давлатлар ва делегациялар раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Сиз, азизлар билан буюк цивилизациялар чорраҳасида жойлашган гўзал Анқара шаҳрида дийдорлашиб турганимдан ғоят мамнунман.

Қадрли биродарим Режеп Таййип Эрдоған Жаноби Олийларини ва бутун турк халқини мамлакатнинг қутлуғ байрами — Республика куни билан қизғин табриклайман.

Қардош турк халқига тинчлик-омонлик, фаровонлик ва муваффақиятлар тилайман.

**“Туркий аср: тилда, фикрда ва ишда бирлик”** шиори остида ўтаётган саммитимизни юксак савияда ташкил этгани ва самимий меҳмондўстлиги учун ҳурматли Туркия Президентига алоҳида миннатдорлик билдираман.

Саммит арафасида сўлим “Бештепа” боғида давлатларимизнинг миллий-маданий мажмуаси очилгани халқларимизнинг муштарак меросини асраб-авайлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Ишончим комилки, ушбу рамзий ёдгорлик туркий дунё бирлигининг ёрқин тимсолига айланади.

Ҳурматли тадбир иштирокчилари!

Бугун халқаро муносабатлар тизими тубдан ўзгармоқда, геосиёсий рақобат кескинлашмоқда. Туркий дунё атрофидаги минтақаларда давом этаётган қуролли можаро ва зиддиятлар нафақат хавфсизликка, балки савдо-иқтисодий, транспорт алоқалари ва тараққиёт истиқболларига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бой табиий ресурслар ва иқтисодий имкониятларга эга бўлган минтақада таъсирчан глобал тараққиёт марказига айланиб бораётган Туркий давлатлар ташкилотини биз ўзаро ишонч ва амалий шериклик майдони сифатида кўрамиз.

Биз стратегик мақсадларимиз атрофида янада жипслашиб, манфаатларимизни халқаро майдонда биргаликда илгари суришимиз лозим. Барчамиз ушбу эзгу йўлда якдилмиз ва ўз куч-ғайратимизни туркий бирдамлик учун сафарбар этишга тайёрмиз.

Қадрли дўстлар!

Ташкилотимиз доирасида долзарб халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан мунтазам сиёсий маслаҳатлар ўтказиш, ёндашув ва саъй-ҳаракатларимизни мувофиқлаштириш муҳим деб ҳисоблаймиз.

Ташкилотнинг халқаро майдондаги нуфузи ва обрў-эътибори унинг ташқи шериклар билан очиқ ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантира олиш салоҳиятига ҳам боғликдир. Шу мақсадда учинчи мамлакатлар билан “Туркий давлатлар ташкилоти плюс” форматидаги ҳамкорликни соҳавий вазирлар учрашувларидан бошлашни таклиф этаман. Ушбу мулоқотлар савдо, транспорт, инвестиция ва бошқа устувор йўналишларда аниқ қўшма лойиҳаларни амалга оширишга қаратилиши лозим.

Шу билан бирга, технологик ҳамкорликни чуқурлаштириш, жаҳон бозорига биргаликда чиқиш имконини берадиган саноат кооперациясини ривожлантиришимиз зарур.

Амалий қадам сифатида “Туркий дунё — 100”, яъни юзта стратегик қўшма инвестиция ва саноат лойиҳасини қамраб оладиган дастур қабул қилишни таклиф этамиз. Ушбу лойиҳаларга Туркий инвестиция жамғармаси ва халқаро молиявий институтлар ресурсларини йўналтириш алоҳида аҳамият касб этади.

Нодир ва стратегик минералларни тўлиқ қайта ишлаш, “яшил” энергетика ускуналари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, юқори даромадли маҳсулотлар тайёрлашга устувор аҳамият қаратиш мақсадга мувофиқ.

Иқтисодий алоқаларимиз жадал ривожланаётгани туфайли тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича умумий механизмларга эҳтиёж ортмоқда. Шу мақсадда “Тижорат ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги кўп томонлама шартнома ишлаб чиқиш лозим. Ушбу ҳужжат суд қарорларини ўзаро тан олиш ва ижро этиш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратади.

Айни пайтда ушбу йўналишда ваколатли органлар ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш тарафдоримиз. Бу борада ҳуқуқий ёрдам сўровлари ва ҳужжатларни электрон алмашишга мўлжалланган рақамли платформа ташкил этишни муҳим деб ҳисоблаймиз.

Глобал таъминот занжирлари ўзгараётган ҳозирги шароитда туркий давлатларнинг географик ўрни ва транзит имкониятлари тобора стратегик аҳамият касб этмоқда.

Халқаро юк ташиш ва логистикада давлатларимизнинг иштирокини кенгайтириш ҳамда иқтисодий манфаатдорликни ошириш учун “Ўрта коридор” ва унга туташ бошқа транспорт йўлакларини яхлит иқтисодий тизимга айлантиришимиз зарур. Шу мақсадда “Туркий давлатлар логистика комплекслари тармоғи”ни ташкил этиш ва уни биргаликда бошқаришни таклиф этамиз.

Туризм соҳасидаги улкан имкониятларни ҳам тўлиқ ишга солишимиз лозим. Биргина 2025 йилда давлатларимизга 100 миллиондан зиёд хорижлик сайёҳ ташриф буюрди.

Туркий халқларнинг тарихий шаҳарлари, бетакрор табиати, бой маданияти ва меҳмондўстлик анъаналарини дунёга биргаликда тақдим этиш мақсадида “Туркий туризм альянси”ни ташкил қилиш вақти келди.

Аҳолининг узоғини яқин, оғирини енгил қилиш учун Фуқароларнинг ўзаро сафарлари тўғрисида кўп томонлама битим ишлаб чиқишни таклиф этамиз. Унда ID-карталар асосида сафар қилиш имкониятларини кенгайтириш, чегарадан ўтиш ва мезбон давлат ҳудудида бўлиш тартибини соддалаштириш масалалари акс этиши лозим.

Технологик тараққиётнинг пойдевори, аввало, инсон капитали, замонавий билим ва кўникмаларга эга ёш авлоддир. Уларнинг таълим олишига киритилган сармоя узоқ муддатли ҳамкорлигимизнинг мустаҳкам асосидир.

Юртимизда “Янги Ўзбекистон стипендияси” доирасида 500 нафар хорижлик талабага грант асосида таълим олиш имконияти яратилган. Туркий давлатлар вакилларига ҳар йили 200 та таълим гранти ажратишга тайёрмиз. Қардош мамлакатлар ёшларини ушбу имкониятдан унумли фойдаланишга чақирамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, 2027 йилни Ташкилот доирасида “Табиатни асраш йили”, деб эълон қилиш бўйича ташаббусимизни қўллаб-қувватлаганингиз учун алоҳида ташаккур айтмоқчиман.

Кейинги йил давомида амалга ошириладиган устувор вазифалар Анталияда ўтадиган COP-31 анжумани доирасида экологияга масъул вазирларимиз йиғилишида кўриб чиқилишига ишонаман.

Қадрли дўстлар!

Хабарингиз бор, туркий дунё бирлигига улкан ҳисса қўшган инсонларни муносиб рағбатлантириш мақсадида буюк мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоий номидаги халқаро мукофотни таъсис этган эдик.

Кеча ушбу нуфузли мукофотнинг Қозоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, элчи Дюсен Касеиновга топширилиши илмфан, санъат ва адабиёт йўналишида изланаётган ёшларимизга янги ғайрат ва илҳом бағишлаши шубҳасиз.

Бутун умрини туркий тил равнақига бағишлаган ҳазрат Алишер Навоий “Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз”, деб таъкидлаган эдилар. Бугунги саммитимиз шиоридан келиб чиқиб, барча туркий халқлар учун бирдек тушунарли бўлган ва тилларимиздаги муштарак сўзларни жамлайдиган “Умумтуркий сўзлар луғати”ни яратиш ташаббусини илгари сураман.

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Кеча Ташкилотимизнинг нуфузли мукофоти — “Туркий дунё Олий ордени” билан Қирғиз Республикаси Президенти, ҳурматли Садир Нурғожоевич Жапаров Жаноби Олийлари тақдирланган муносабати билан яна бир бор чин дилдан табриклайман.

Шу ўринда Озарбайжоннинг Ташкилотимизга раислиги даврида биродарлик ришталаримизни мустаҳкамлаш, алоқаларимизни янги босқичга олиб чиқиш борасидаги салмоқли ишлари учун ҳурматли Илҳом Гейдарович Алиев Жаноби Олийларига катта раҳмат айтаман.

Бугун раисликни қабул қилиб олаётган Туркия давлати иқтисодий ҳамкорлигимизни чуқурлаштириш, ташаббусларимизни амалий натижалар билан бойитишга катта ҳисса қўшади деб ишонаман.

Туркия Президенти, ҳурматли Режеп Таййип Эрдоған Жаноби Олийларига ушбу шарафли вазифада улкан муваффақиятлар тилайман.

Шунингдек, Ташкилотимизнинг навбатдаги саммитини келгуси йили Ўзбекистонда юқори даражада ўтказишга тайёр эканимизни маълум қиламан.

Кун тартибидаги яна бир масалага тўхталиб ўтмоқчиман. Олдимизга қўйилган кенг кўламли вазифаларни амалга оширишда аъзо давлатларнинг ҳамжиҳатлиги ва Котибиятнинг самарали фаолияти айниқса муҳимдир. Ўтган даврда Бош котиб сифатида сермаҳсул меҳнат қилиб, Ташкилотимиз нуфузини ҳар томонлама оширишга муносиб ҳисса қўшган Кубаничбек Омуралиевга миннатдорлик билдираман.

Шу билан бирга, Ўзбекистон вакили бўлган Мирвоҳид Азимов номзодини Бош котиб лавозимига қўллаб-қувватлаганингиз учун барчангизга ташаккур изҳор этаман.

Ишончим комил, янги Бош котиб Ташкилотимизнинг устувор вазифаларини амалга ошириш ва ҳамкорлигимизни янада ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшади.

Муҳтарам ҳамкасблар!

Бугунги Анқара саммити олийжаноб мақсадимиз, бирдамлик ғоямиз ва улуғвор режаларимизга эришиш йўлида муҳим қадам бўлади.

Зеро, барчамизнинг орзу-истакларимиз ва интилишларимиз муштарак.

**Биз бир бўлсак, янада қудратлимиз.**

**Ҳамжиҳат бўлсак, янада юксак марраларга албатта эришамиз.**

**Учрашув**

# ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

*Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги стратегик шериклик ҳамда иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, парламентлараро ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш масалалари Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева ҳамда Қозоғистон Республикаси Қурултойи Раиси Айбек Аркабайули ўртасида бўлиб ўтган учрашувда муҳокама қилинди.*

Унда, шунингдек, савдо, иқтисодиёт, транспорт-логистика соҳаларида, ҳудудлараро ҳамкорликни кенгайтириш, олий даражада эришилган келишувларнинг амалий ижросини парламентлар томонидан қўллаб-қувватлаш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Парламентлараро ҳамкорликнинг институционал асосларини такомиллаштириш юзасидан қатор таклифлар илгари сурилди. Жумладан, қўшма парламентлараро комиссия ташкил этиш имкониятларини ўрганиш, 2027-2028 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш, савдо-транспорт масалаларида ҳамкорликни кучайтириш, сунъий интеллектни ҳуқуқий тартибга солиш ва шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш йўналишларида тажриба алмашиш таклиф этилди.

Бундан ташқари, парламент кўмиталари ўртасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш, давлат раҳбарлари келишувлари ижросини мунтазам муҳокама қилиб бориш, парламентлар аёл аъзолари ва ёш депутатлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш муҳимлиги таъкидланди.

Учрашув якунида икки мамлакат парламентлари ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга келишиб олинди.

**«Халқ сўзи».**

**Фикр**

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

*Туркий давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масаласи тарихий ҳамда маданий яқинлик билан бир қаторда, иқтисодий манфаатлар, минтақавий хавфсизлик ва халқаро майдондаги ўзаро алоқалар нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамият касб этади.*

Шу маънода, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Туркий давлатлар ташкилоти саммитида илгари сурган ташаббуслари тузилма доирасидаги шерикликни амалий мазмун билан бойитишга қаратилган. Давлатимиз раҳбари Туркий давлатлар ўртасидаги муносабатларни умумий тарих ва маданий мерос асосида ривожлантириш билан бирга, иқтисодий лойиҳалар, ҳуқуқий механизмлар ва узоқ муддатли ҳамкорлик дастурлари орқали кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

2

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 31 октябрь

# ТУРКИЙ ДУНЁ ЖИПСЛИГИ ВА ТАРАҚҚИЁТИГА ҚАРАТИЛГАН ТАШАББУСЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Барчамиз ушбу эзгу йўлда якдилмиз ва ўз куч-ғайратимизни туркий бирдамлик учун сафарбар этишга тайёрмиз, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Давлатимиз раҳбари туркий давлатлар ўртасида ҳамкорликни янги босқичга кўтариш юзасидан қатор муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Ташкилот доирасида долзарб халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан мунтазам сиёсий маслаҳатлар ўтказиш, ёндашув ва саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш муҳим. Шу мақсадда учинчи мамлакатлар билан “Туркий давлатлар ташкилоти плюс” форматидаги ҳамкорликни соҳавий вазирлар учрашувларидан бошлаш таклиф этилди.

— Ушбу мулоқотлар савдо, транспорт, инвестиция ва бошқа устувор йўналишларда аниқ қўшма лойиҳаларни амалга оширишга қаратилиши лозим, — деб таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Юзта стратегик қўшма инвестиция ва саноат лойиҳасини қамраб олувчи, жумладан, нодир минералларни қайта ишлаш ва “яшил” энергетика ускуналарини маҳаллийлаштиришга қаратилган “Туркий дунё — 100” дастурини қабул қилиш таклиф қилинди. Ушбу лойиҳаларга Туркий инвестиция жамғармаси ва халқаро молиявий институтлар ресурсларини йўналтириш муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш учун “Тижорат ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги кўп томонлама шартнома ҳамда ҳуқуқий ёрдам сўровлари ва ҳужжатларни электрон алмашишга мўлжалланган рақамли платформани ташкил этиш ташаббуси ҳам илгари сурилди.

Глобал таъминот занжирлари ўзгараётган ҳозирги шароитда туркий давлатларнинг географик ўрни ва транзит имкониятлари тобора стратегик аҳамият касб этмоқда.

“Ўрта коридор”ни яхлит иқтисодий тизимга айлантириш мақсадида “Туркий давлатлар логистика комплекслари тармоғи”ни ташкил этиш ва биргаликда бошқариш таклиф қилинди. Бу халқаро юк ташиш ва логистикада давлатларимизнинг иштирокини кенгайтириш ҳамда иқтисодий манфаатдорликни ошириш имконини беради.

Туризм салоҳиятини кенгайтириш учун эса “Туркий туризм альянси”ни тузиш, шунингдек, аҳолининг ўзаро сафарларини соддалаштириш ва ID-карталар асосида сафар қилиш имкониятларини кенгайтирувчи кўп томонлама битим ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Юртимизда хорижлик ёшлар учун таъсис этилган “Янги Ўзбекистон стипендияси” доирасида туркий давлатлар вакилларига ҳар йили таълим грантлари ажратилиши билдирилди.

Шунингдек, 2027 йилни “Табиатни асраш йили” деб эълон қилиш ташаббуси қўллаб-қувватлангани учун миннатдорлик изҳор қилинди ҳамда Ўзбекистон таклифи билан таъсис этилган буюк мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоий номидаги халқаро мукофотнинг Қозоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, элчи Дюсен Касеиновга топширилгани мамнуният билан эътироф этилди.

Бутун умрини туркий тил равнақига бағишлаган ҳазрат Алишер Навоий “Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз”, деб таъкидлаган эди. Бугунги саммит шиоридан келиб чиқиб, барча туркий халқлар учун бирдек тушунарли бўлган ва тилларимиздаги муштарак сўзларни жамлайдиган “Умумтуркий сўзлар луғати”ни яратиш ташаббуси илгари сурилди.

— Ишончим комилки, бугунги Анқара саммити олийжаноб мақсадимиз, бирдамлик ғоямиз ва улуғвор режаларимизга эришиш йўлида муҳим қадам бўлади. Зеро, барчамизнинг орзу-истакларимиз ва интилишларимиз муштарак. Биз бир бўлсак, янада қудратлимиз. Ҳамжиҳат бўлсак, янада юксак марраларга албатта эришамиз, — деди давлатимиз раҳбари ўз нутқи якунида.

Тадбирда ташкилотнинг янги Бош котиби лавозимига Ўзбекистон вакили Мирвоҳид Азимов номзоди қўллаб-қувватлангани, шунингдек, навбатдаги саммит келгуси йили Ўзбекистонда ўтказилиши маълум қилинди.

Якунда Анқара декларацияси ҳамда ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган қатор ҳужжатлар қабул қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикасига амалий ташрифи якунланди.

**ЎзА.**

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ



1

Хусусан, “Туркий туризм альянси”ни ташкил этиш, фуқароларнинг ўзаро сафарларини соддалаштириш ва ID-карталар асосида ҳаракатланиш имкониятларини кенгайтириш ташаббуслари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг амалга оширилиши туризм соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, хизматлар бозорини кенгайтириш ва фуқароларнинг ўзаро алоқаларини фаоллаштиришга хизмат қилади.

Саммитда таълим ва инсон капиталини ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Туркий давлатлар вакиллари учун ҳар йили 200 та таълим грантини ажратиш ташаббуси эса ёшларнинг билим олиш имкониятларини кенгайтириш, мамлакатларимиз таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ва малакали кадрлар тайёрлашга қаратилган. Зеро, бугун турли давлатларда таълим олаётган ёшлар келгусида илм-фан, технология, иқтисодиёт ҳамда давлат бошқаруви соҳаларида ҳамкорликни ривожлантиришда иштирок этиши мумкин.

Эндиликда асосий вазифа билдирилган ташаббусларни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш, уларнинг муддатлари, масъул ижрочилари ва молиялаштириш манбаларини белгилашдан иборат. Бу жараёнда парламентлар ҳам фаол қатнашиши зарур. Хусусан, ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, давлатлар ўртасида имзоланган келишувлар ижросини парламент назорати орқали ўрганиш, тадбиркорлар ва фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш парламент дипломатиясининг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Туркий давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда сиёсий мулоқотнинг изчиллиги, иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланганлиги ва қўшма лойиҳаларнинг амалий натижаси муҳим ўрин тутади. Шу жиҳатдан, саммитда илгари сурилган ташаббусларнинг изчил амалга оширилиши ташкилот доирасидаги ҳамкорликни янги мазмун билан бойитади.

**Орзигул ҚОЗИХОНОВА,**
**Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси.**

## Биз ва жаҳон

# ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРДА ЎЗАРО АЛОҚАЛАР ЯНАДА КЕНГАЯДИ

*Ўзбекистон ва Литва парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари аъзоларининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди.*

Мулоқот давомида мамлакатларимиз парламентлараро муносабатларининг бугунги ҳолати, истиқболли йўналишларда ўзаро алоқаларни фаоллаштириш, шунингдек, фан, таълим, туризм, миграция ва қишлоқ хўжалиги каби ўзаро манфаатли соҳаларда шерикликни кенгайтириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувда “Литва — Ўзбекистон” парламентлараро ҳамкорлик гуруҳи раиси ўринбосари Д. Варнас Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни юқори баҳолади ва мамлакатнинг халқаро майдондаги ўрнини мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини эътироф этди.

Парламентлараро мулоқот доирасида талабалар ва ёш олимлар алмашинувини йўлга қўйиш, қўшма таълим дастурларини ҳаётга татбиқ қилиш, маданий-гуманитар лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалиги соҳасида илғор тажриба алмашиш муҳимлиги таъкидланди.

Учрашув якунида томонлар парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари ўртасидаги мулоқотни мунтазам давом эттириш, эришилган келишувларни амалий мазмун билан бойитиш ҳамда ўзаро манфаатли йўналишларда алоқаларни янада фаоллаштиришга келишиб олди.

# «ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ»НИ ҚИСҚАРТИРИШ – БУГУНГИ КУН ТАЛАБИ

*Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси томонидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари учун “Маҳаллий бюджетнинг даромадлар базасини кенгайтириш, “яширин иқтисодиёт”ни қисқартириш ва захираларни аниқлашда маҳаллий Кенгашлар доимий комиссияларининг иштироки” мавзуида ўқув-семинар ўтказилди.*

## Семинар

Тадбирда мамлакатимизда ҳудудларни молиявий мустақил қилиш, солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш ҳамда маҳаллий Кенгашларнинг ижро ҳокимияти устидан депутатлик назоратини кучайтириш борасидаги устувор вазифалар атрофлича муҳокама этилди.

Сенаторлар томонидан “яширин иқтисодиёт”ни қисқартириш ва солиқ базасини кенгайтириш, ҳудудлардаги ички захираларни юзага чиқариш ҳамда маҳаллий Кенгашлар ва доимий комиссиялар масъулиятини ошириш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар бериб ўтилди.

Хусусан, ҳудудларда фаолият юритаётган, бироқ расмий рўйхатдан ўтмаган ёки фаолиятини яширин олиб бораётган тадбиркорлик субъектларини легаллаштириш бўйича маҳаллий Кенгашлар доимий комиссияларининг роли тушунтирилиб, норасмий бандликни қисқартириш, иш ҳақи фондини “соя”дан чиқариш ва аҳоли ўртасида молиявий саводхонликни ошириш орқали солиқ тушумларини кўпайтириш механизмлари кўриб чиқилди.

Ҳудудлар кесимида фойдаланилмаётган ер майдонлари, бўш турган бино-иншоотларни тўлиқ хатловдан ўтказиш ҳамда уларни иқтисодий айланмага киритиш орқали маҳаллий бюджетга қўшимча даромад манбаларини жалб этишда мавжуд табиий ва иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш йўллари таҳлил қилинди.

Шунингдек, ҳудудлардаги доимий комиссиялар ҳар чоракда маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ижросини қатъий назоратга олиши зарурлиги таъкидланиб, бу борада солиқ органлари ва молия бўлимлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатиб, прогноз кўрсаткичларининг бажарилишини биргаликда таҳлил қилиш амалиёти кенгайтирилиши айтилди.

Семинарда сенаторлар ўз ҳудудларида депутатлар дуч келаётган муаммолар, жумладан, маҳаллий даромад манбаларини шакллантиришдаги бюрократик тўсиқлар ва ўз ечимини кутаётган масалаларнинг ҳуқуқий ҳамда амалий ечимларини кўрсатиб ўтди.

**«Халқ сўзи».**

# АҲОЛИ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ ОЧИҚ МУЛОҚОТЛАР

*Аввал хабар қилинганидек, шу кунларда халқ вакилларининг сайловчилар билан учрашувлари қизғин давом этмоқда. Уларда Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, илгари сурилаётган муҳим ташаббуслар, шунингдек, қабул қилинаётган қонунлар ва уларнинг аҳоли ҳаётидаги аҳамияти сайловчиларга етказилмоқда. Шу билан бирга, жойлардаги мавжуд муаммолар атрофлича ўрганилиб, уларни бартараф этиш юзасидан амалий чоралар кўриляпти.*

## Депутатлар — ҳудудларда

### Дахлдорлик масъулияти

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ҳилола Юсупованинг Наманган вилоятидаги сайловчилар билан учрашувлари самарали ўтди.

Депутатнинг Наманган шаҳридаги Навбаҳор, Давлатобод туманидаги Орзу маҳаллалари, шунингдек, Янгиқўрғон ва Янги Наманган туманларидаги учрашувлари давомида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, бандлик, таълим, инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий ҳимоя масалалари қамраб олинди. Хусусан, Навбаҳор маҳалласидаги мулоқотда куз-қиш мавсумига тайёргарлик масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, мактаб ва тиббиёт муассасаларида иситиш тизимларининг созлиги, энергия ресурсларига бўлган эҳтиёжнинг ўз вақтида қопланиши, эҳтимолий узилишларнинг олдини олиш бўйича масъул ташкилотлар фаолиятини ўрганиш зарурлиги қайд этилди.

Орзу маҳалласида аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш ва оилалар даромадини оширишга қаратилган давлат дастурлари ижроси муҳокама марказида бўлди.

Депутатнинг Янгиқўрғон туманидаги 45-умумтаълим мактабида “Омбудсман мактаби” лойиҳаси доирасидаги учрашувда иштироки ҳам ижтимоий аҳамиятга эга бўлди. Унда хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш, болалар ҳуқуқларини таъминлаш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, эрта турмушнинг салбий оқибатлари муҳокама қилинди. Оила, мактаб, маҳалла ва масъул идоралар ҳамкорлигини кучайтириш, ёшлар муаммоларига бефарқ бўлмаслик зарурлигига урғу берилди. Тадбир доирасида ташкил этилган сайёр қабулда эса фуқаролар ички йўлларни асфальтлаш, имтиёзли кредит ажратиш ва бозор фаолиятини тартибга солиш юзасидан мурожаатларини билдирди. Ушбу масалаларни тегишли мутасаддилар билан биргаликда ўрганиш ва ечими бўйича амалий чоралар кўриш вазифаларига эътибор қаратилди.

**Ҳилола ЮСУПОВА, депутат:**



*— Янги Наманган туманидаги 69-умумтаълим мактаби билан танишувимиз жараёнида ўқувчилар учун яратилган замонавий таълим муҳити, жиҳозланган хоналар, ҳунар ўрганиш имкониятлари ва жонли табиат бурчагининг аҳамиятига эътибор қаратдик. Таълим сифати, ёшларнинг билим ва касб-ҳунар эгаллаши, уларнинг иқтидорини ривожлантириш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашдик. Айтиш мумкинки, сайловчилар билан мулоқотларимиз зиммамиздаги асосий масъулият — аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш, ислоҳотларнинг одамлар ҳаётидаги амалий ифодасини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.*

### Сифатли ва малакали тиббий хизмат — устувор вазифа

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Нодира Жонибекова Оқолтин туманидаги Шодлик маҳалласида бўлиб, “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасида халқ вакили томонидан қўллаб-қувватланган болалар спорт майдончаси қурилиши билан танишди.

Мазкур иншоот қурилиши учун 1 миллиард 300 миллион сўм маблағ йўналтирилган бўлиб, ушбу лойиҳа маҳаллада болалар спорти учун қулай шароит яратиш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкиллаштириш ҳамда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишга хизмат қилади.

Иншоотда олиб борилаётган қурилиш-таъмирлаш ишларининг сифати, шартнома мажбуриятларининг бажарилиши ва ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши ўрганилди. Якунда пудратчи ташкилот вакиллари ва маҳалла фаолларига спорт майдончаси атрофида кўкаламзорлаштириш ҳамда ободонлаштириш ишларини ташкил этиш юзасидан тегишли тавсия ва кўрсатмалар берилди.

Бундан ташқари, депутат туман тиббиёт бирлашмасида бўлиб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати ва беморлар учун яратилган шароитлар билан танишди. Аниқланишича, бирлашмада айни пайтда 114 нафар бемор даволанаётган бўлиб, уларга 16 нафар шифокор ва 28 нафар ўрта тиббиёт ходими хизмат кўрсатаётир. Шунингдек, беморларнинг даволаниши учун 120 турдаги дори-дармон ҳамда 38 турдаги тиббий буюмлар бепул тақдим этилаётгани айтилди.

**Нодира ЖОНИБЕКОВА, депутат:**



*— Давлатимиз раҳбарининг тиббиёт ва фармацевтика соҳаси ходимлари билан учрашувида аҳолига кафолатланган тиббий хизматлар кўламини кенгайтириш, жумладан, бепул бериладиган дори воситалари турини 73 тага, тиббий текширувлар сонини 36 тага етказиш ташаббуси илгари сурилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар учун бундай имкониятлар жуда муҳим. Зеро, молиявий имкониятидан қатъи назар, ҳар бир инсон сифатли тиббий ёрдамдан бирдек фойдаланиши керак.*

Мулоқот давомида аҳоли ўртасида касалликларнинг олдини олиш ва уларни эрта аниқлаш борасида амалга оширилаётган ишларни жадаллаштириш бўйича таклиф-тавсиялар билдирилди.

### Мурожаат ижобий ҳал этилганидан фуқаролар мамнун

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ойбек Отамуратовга Гурлан туманидаги Дўсимбий маҳалласи фуқаролари томонидан Урганч — Гурлан — Манғит автомобиль йўлининг маҳалладаги чорраҳасида светофор йўқлиги, бу эса мактаб ўқувчилари ва пиёдалар учун хавф туғдираётгани юзасидан мурожаат қилинган эди.

Мазкур мурожаат асосида депутат тегишли ташкилотларга сўров юборди ва муаммони бартараф этиш борасидаги ишларни назоратга олди. Натижада муаммо ижобий ҳал қилинди. Депутатнинг навбатдаги учрашувида маҳалла фуқаролари муаммонинг ҳал этилганидан мамнун эканликларини билдирди.

**Ойбек ОТАМУРАТОВ, депутат:**



*— Йўл ҳаракати хавфсизлиги, айниқса, болалар ва пиёдалар хавфсизлигини таъминлаш доимий эътибор талаб қиладиган масалалардан ҳисобланади. Фуқаролар кўтарган муаммонинг ижобий ҳал этилгани маҳалладаги кундалик ҳаёт учун муҳим аҳамиятга эга. Бундай масалаларни ҳамкорликда ҳал қилишда аҳоли билан мулоқот ва мутасадди ташкилотларнинг масъулияти муҳим.*

Учрашув давомида депутат маҳалладаги бошқа долзарб масалалар, жумладан, болалар учун спорт майдончаларининг барпо этилиши, ҳудуддаги кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари билан ҳам танишди. Фуқароларнинг таклиф ва мулоҳазалари тингланиб, улар ечими юзасидан тегишли чоралар белгилаб олинди.

### Кичик тадбиркорлик фаолияти билан танишилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Жавлон Абдуллаев сайловчилар билан учрашиш мақсадида Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳри ҳамда Қўштепа туманида бўлди.

Ўрганишлар давомида аҳоли даромадларини кўтариш, кичик тадбиркорликни ривожлантириш ва янги иш ўринларини яратиш борасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Марғилон шаҳридаги Янги боғ маҳалласида истиқомат қилувчи Ҳусанбой Сайдумаров хонадонига борилди. У хонадонининг кичик ҳудудида канарейкаларни парваришлаб, шу орқали даромад топмоқда.

Дилмурод Сайдумаров эса хонадонида болалар кийимларини ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланади. Тадбиркор ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янги иш ўринлари яратишни режалаштирган. Лойиҳа доирасида 500 млн. сўм кредит маблағини жалб қилиш ва 10 та иш ўрни очиш кўзда тутилган.

Қўштепа туманининг Қувирбоши маҳалласида эса хонадон шароитида киви етиштиришни йўлга қўйган тадбиркор фаолияти билан танишилди. Маҳалладаги хонадон эгалари ўз уйида иссиқхона фаолиятидан тортиб, тикувчилик ҳамда дутор каби миллий чолғу асбобларини таъмирлаш устахонасигача ташкил этган. Шунингдек, аҳолига ҳамширалик хизматлари кўрсатувчи тиббий пункт ҳам йўлга қўйилган.

**Жавлон АБДУЛЛАЕВ, депутат:**

*— Ҳудудлардаги хонадонбай ўрганишлар жараёнида кичик ташаббуслар ҳам оила фаровонлиги ва маҳалла иқтисодий салоҳиятини оширишда муҳим ўрин тутишини кўряпмиз. Айниқса, ўзини ўзи банд қилиш орқали даромад топаётган фуқароларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятини кенгайтириш ва янги иш ўринларини яратиши учун зарур имкониятларни ишга солиш бугунги куннинг муҳим вазифасидир.*



Ўрганишлар давомида тадбиркорларга фаолиятини кенгайтириш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш ва режалаштирилган лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тавсиялар берилди.

### Кўчатчилик маркази тажрибаси эътиборда

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ноиба Иноятова “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида Ғузор туманида ташкил этилган кўчатчилик маркази фаолияти билан танишди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, хориж тажрибаси асосида 65 гектар майдондаги бу мажмуанинг қиймати 9,5 млрд. сўм бўлиб, бу ерда юзга яқин иш ўринлари яратилган. Марказнинг 50 гектари манзарали, 5 гектари мевали дарахтлар, 3 гектари бута ва гул кўчатларини етиштиришга ажратилган. Биринчи босқичда 1,6 млн., кейинги босқичда 5 млн. туп ниҳол ва кўчат етиштириш кўзда тутилган. Бу ерда 41 турдаги манзарали ва игнабаргли дарахт кўчатлари мавжуд. Мажмуада очиқ кўпайтириш майдонлари, иссиқхона, уруғдан ниҳол етиштириш ва кўчатларни соялаш иншоотлари барпо қилинган. Сиғими 4,2 минг куб метр бўлган учта мембранали сув ҳавзаси ташкил этилиб, 20 гектар майдонга томчилатиб суғориш тизими ўрнатилган.

Замонавий технологиялар йил давомида, жумладан, экиш мавсумидан ташқари вақтда ҳам кўчат етиштириш имконини беради. Ҳисоб-китобларга кўра, анъанавий усулларга нисбатан етиштириш ҳажми 8 — 10 баробар кўпайиб, сув сарфи 3 карра камаяди. Бу кўчатлар таннархини 30 — 40 фоизга пасайтиришга хизмат қилиши кутилмоқда.

**Ноиба ИНОЯТОВА, депутат:**



*— “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси нафақат атроф-муҳитни ободонлаштириш, балки экологик барқарорликни таъминлаш ва аҳоли учун қулай яшил ҳудудлар яратишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мазкур кўчатчилик марказида замонавий технологиялар асосида кўчат етиштириш, сув ресурсларидан тежамкор фойдаланиш ва аҳоли хонадонларини кўкаламзорлаштириш жараёнига жалб этиш борасидаги тажриба эътиборга молик. Энг муҳими, бу каби ташаббуслар экологик маданиятни ошириш билан бирга, янги иш ўринлари ва даромад манбаларини яратишга ҳам хизмат қилади.*

Мулоқот давомида ҳудудларда экологик барқарорликни таъминлаш, кўкаламзорлаштириш ишларини кенгайтириш ва аҳолини бу жараёнларга фаол жалб этиш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилиб, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар билдирилди.

### Ташаббуслар қўллаб-қувватланади

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари — Эмма Аслонова, Нуриддин Жабборов Бухоро вилоятида бўлиб, қатор инвестиция лойиҳалари ва тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан танишди.

Бухоро туманининг Қавола Маҳмуд номидаги маҳалласида фаолият юритаётган “Rostexstroy” Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасининг ишлаб чиқариш жараёнлари, маҳсулот сифати, экспорт имкониятлари ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги фаолияти кўздан кечирилди.

Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонада 30 нафардан ортиқ маҳаллий аҳоли учун доимий иш ўрни яратилган. Европа технологиялари асосидаги замонавий ускуналар ёрдамида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда.

Учрашувда ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш, янги бозорларни ўзлаштириш ва қўшимча иш ўринлари яратиш масалаларига эътибор қаратилди.

Ўрганишлар доирасида ижтимоий соҳадаги инвестиция ташаббуслари ҳам эътибордан четда қолмади. Жумладан, “Registon Buxoro” хусусий мактабида ўқувчилар учун яратилган шарт-шароитлар, замонавий таълим инфратузилмаси ва ўқув жараёнини ташкил этиш ҳолати билан танишилди. Мактаб масъуллари билан мулоқотда таълим сифатини ошириш, ёшларнинг билим ва салоҳиятини ривожлантириш, улар учун замонавий таълим имкониятларини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, Бухоро туманида давлат-хусусий шериклик асосида фаолият юритаётган бир қатор мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти ўрганилди. Таъкидланганидек, хусусий боғчалар бўйича ташаббусларни қўллаб-қувватлаш болаларни таълим билан қамраб олиш имкониятларини кенгайтириш, таълим-тарбия сифати ва хизматлар кўламини ошириш билан бирга, янги иш ўринларини яратишга ҳам хизмат қилади.

**Эмма АСЛОНОВА, депутат:**



*— Бухоро вилоятидаги ўрганишлар инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш, экспорт салоҳиятини кучайтириш ва ижтимоий соҳада хусусий сектор иштирокини кенгайтириш масалалари ўзаро узвий боғлиқ эканини кўрсатди. Энг муҳими, бундай мулоқот ва ўрганишлар тадбиркорларнинг муаммоларини жойида аниқлаш, уларни ҳал қилишда қонунчилик имкониятларидан самарали фойдаланиш ҳамда ҳудудларда иқтисодий фаолликни жонлантиришга қаратилган ташаббусларни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этади.*

**«Халқ сўзи».**

**Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунига мувофиқ, мамлакатимизда лотин ёзувига асосланган, 28 та ҳарф ва 1 та тутуқ белгисидан иборат ўзбек алифбоси жорий этилади.**

# ВАТАН ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС БУРЧ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимиз тараққиётнинг янги даврини бошдан кечирмоқда. Давлатимиз раҳбари Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида буюк тарихий йўлимиз, эришилган улкан ютуқлар ва келгуси ўн йилликнинг миллий юксалиш дастурларига алоҳида тўхталиб ўтди. Бу нутқ Ватан тақдирини ўйлайдиган, ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этаётган фидойи юртдошларимиз, қолаверса, бутун жамиятимиз учун миллий ўзликни англаш ва келажакка мустаҳкам пойдевор қўйиш йўлида маънавий-маърифий дастуриламал бўлди.*

## Юксалиш одимлари

### Ўзбекистоннинг бурилиш даври

Янги Ўзбекистонда ислоҳотларнинг илк кунлариданоқ халқнинг қалбига қулоқ солиниб, аҳолининг дардига дармон бўлиш бош мақсад қилиб қўйилди. “Инсон қадри учун!” деган эзгу ғоя давлат сиёсатининг марказига олиб чиқилди.

“Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган тамойил асосида олиб борилган ишлар натижасида фуқароларимиз қалбидаги қўрқув ва ҳадик ўрнини қатъий ишонч ва хотиржамлик эгаллади. Ҳар бир инсон эркин ва фаровон яшайдиган одил жамиятни барпо этиш учун кейинги ўн йил давомида тинимсиз изланиб, жиддий меҳнат қилинди. Иқтисодиёт, сиёсат ва маънавият билан бир қаторда ижтимоий соҳа, ҳуқуқ ва хавфсизлик, инновация ва технологиялар, экология ҳамда ташқи сиёсат каби соҳалардаги туб ўзгаришлар бунинг яққол далилидир. Жумладан, илгари мамлакатимиз иқтисодиётига йилига атиги 2-3 миллиард доллар хорижий инвестиция олиб келинган бўлса, бугунги кунга келиб 40 — 50 миллиард доллар чет эл сармояси жалб қилинмоқда.

### Озодликнинг қиймати

Халқимиз бу озод ва фаровон кунларга осонлик билан эришмади. Асрлар давомида эркин ҳаётни, адолатли жамиятни орзу қилиб, қанчадан-қанча машаққатли ва оғир синовларни мардонавор енгиб ўтди. Уларнинг кўрсатган жасорати ва буюк матонат мактаби барчамиз учун муҳим ҳақиқатни англатиб, зиммамизга жиддий масъулият юклайди.

Шу ўринда мустақиллик йилларида тинчлигимизга раҳна солмоқчи бўлган бузғунчи кучлар томонидан уюштирилган қуролли ҳужум ва қўпорувчилик ҳаракатлари пайтида Ватан ҳимояси йўлида мардларча курашиб, жон берган фидойи сафдошларимизнинг қаҳрамонлиги ва жасоратини ёдга олиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Улар улуғ аждодларнинг ибратли анъаналарини давом эттириб, ўз бурчларини шараф билан бажарди, эл-юрт тинчлигини таъминлашга, кенг кўламли ислоҳотларни рўёбга чиқаришга замин яратди.

Мустақиллик ва халқимизнинг тинч ҳаётини сақлаш йўлида қаҳрамонларча ҳалок бўлган катта лейтенант Маҳмуджон Жалилов, катта лейтенант Чори Ражабов, катта лейтенант Алишер Салимов, лейтенант Сайёр Саъдинов, лейтенант Бобуржон Ғаниев, катта сержант Маъруфжон Ражабов, сержант Қаҳрамон Мадалимов каби ўғлонларимизнинг мисли сиз мардлиги учун барчамиз уларнинг оила аъзолари олдида таъзим қилиб, чексиз ташаккур билдирамиз.

Мустақиллик, аввало, бизга шону шарафимизни, муқаддас динимизни, она тилимизни, унутилаётган миллий қадриятларимизни қайтариб берди. Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда бу қадриятларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, тинчлигимиз ва барқарорлигимизга таҳдид солаётган ҳар қандай кучга қарши бир ёқадан бош чиқариб курашиш энг муқаддас бурчимизга айланди. Чунки озодликнинг қиймати Ватан ва миллат келажаги учун фидо бўлган жонлар, мард йигитларнинг унутилмас абадий хотиралари билан ўлчанади.

Шуни чуқур англаб етмоғимиз керакки, тарихнинг ҳар қандай бурилиш ва синовли дамларида халқимизни бирлаштирадиган, уни буюк марраларга сафарбар этадиган куч Ватанга чексиз муҳаббат ва фидойиликдир. Ўттиз беш йил давомидаги машаққатли ва шарафли йўлимиз шуни кўрсатдики, ҳар қандай тўсиқни фақат ва фақат жипслик, аҳиллик ва бунёдкорлик руҳи билангина енгиб ўтиш мумкин.



### Мудофаа соҳасидаги тарихий ўзгаришлар

Дунёда кун сайин кутилмаган хавф-хатарлар, зиддиятли жараёнлар ва иқтисодий қарама-қаршиликлар кучайиб бораётган мураккаб шароитда мамлакат хавфсизлигини таъминлаш биринчи даражали вазифа саналади. Шу боис Президентимизнинг узоқни кўзлаган стратегик дастурлари асосида мудофаа соҳасида ҳам кенг кўламли, тарихий ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан мудофаа соҳасини ривожлантириш ва ҳарбий хизмат нуфузини оширишга қаратилган қатор тарихий фармон ва қарор имзоланди. Хусусан, Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари тубдан трансформация қилиниб, жаҳон стандартидаги жанговар кўмондонлик ташкил этилди.

Қисқа давр ичида Қуролли Кучларни ривожлантириш борасида энг муҳим амалий ишлар бажарилиб, том маънода Янги Ўзбекистоннинг кучли армияси барпо этилди. Бугунги кунда миллий армиямиз замонавий қуролли тўқнашувлар таҳлили ҳамда етакчи армиялар тажрибалари асосида изчил ривожланмоқда. Қўшинларнинг жанговар салоҳиятини янада ошириш мақсадида узоқ масофага отувчи артиллерия, учувчисиз авиация тизимлари, ўқотар қуроллар, шунингдек, жанговар, махсус ва автомобиль техникалари билан тўлиқ бутланмоқда.

Мамлакат ҳаво сарҳадларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш йўлида қўшинлар энг замонавий авиация техникалари ва ҳаво ҳужумидан мудофаа тизимлари билан таъминланмоқда. Ушбу юқори технологияли ҳарбий техникаларни муваффақиятли эксплуатация қилиш учун ҳарбий хизматчиларимиз ривожланган хорижий давлатларда махсус таълим курсларини ўтаб қайтмоқда.

Мудофаа вазирлиги қўшинларининг операцион йўналишларда тактик, оператив-тактик ва стратегик вазифаларни қай даражада бажариши доимий синовдан ўтказилмоқда. Бу жараёнда ҳаво-десант қўшинларини қўллаш, темир йўл ва ҳаво транспортида ташиш, узоқ масофаларга маршлар уюштириш, разведка олиб бориш, жумладан, учувчисиз учиш аппаратларини қўллаган ҳолда, авиация, артиллерия, танк ва бошқа қуроллардан жанговар отишларни ўтказиш амалий тарзда бажариляпти. Натижада жанговар шайлик тадбирлари ўтган йиллардагига нисбатан бир неча маротаба ортди. Бу каби амалий тадбирлар натижасида халқаро майдонда ҳам ҳарбий қудратимиз эътироф этилиб, жаҳон рейтингида миллий армиямиз ўтган йилдагига нисбатан 5 поғона кўтарилиб, 145 та давлат орасида 53-ўринни эгаллади. Қисқа айтганда, Қуролли Кучларимиз тезкор, ихчам ва ҳар қандай таҳдидларга муносиб зарба беришга қодир жанговар кучга айланди.

### Ҳарбий таълимдаги институционал ислоҳотлар

Президентимизнинг “Мудофаа вазирлиги ҳарбий кадрларни тайёрлаш тизимини трансформация қилиш тўғрисида”ги қарори мамлакатда ҳарбий таълим ривожини янги босқичга кўтарди. Бу қарор асосида стратегик қадам ташланди, илғор хорижий тажрибаларни миллий шароитга мос интеграция қилиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университети ташкил этилди.

Университет 5 та институт, 4 та факультет, 6 та округ ўқув факультети, 20 та ўқув маркази ҳамда Сержантлар тайёрлаш олий мактабини ўз ичига олади. Бу кенг қамровли тузилма турли даражадаги мутахассисларнинг сифатли, тизимли ва узлуксиз тайёрланишини таъминламоқда.

Ҳарбий таълим тизимини такомиллаштириш доирасида бакалавриат ва магистратура босқичларида ўқитиш ҳамда штаб офицерларини тайёрлашнинг мутлақо янги модели жорий этилди. Жумладан, сержантлар учун университетда бакалавриат йўналишида масофавий таълим йўлга қўйилди. Бу орқали ҳарбий хизматдан узилмаган ҳолда чақириққача ҳарбий таълим, психология, IT, сунъий интеллект ва киберхавфсизлик каби 7 та мутахассислик бўйича олий маълумот олиш имконияти яратилди.

Мудофаа вазирлиги олий ҳарбий таълим муассасалари фаолияти замон талаблари ва стандартлари асосида янада яхшиланиб, интеллектуал жиҳатдан етук, стратегик фикрлай оладиган кадрларни тайёрлашга урғу берилмоқда. Офицерларнинг жангни режалаштириш ва бошқариш бўйича кўникмаларини ривожлантириш, тизимни рақамлаштириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш асосий мақсад этиб белгиланган.

Ҳарбий санъат шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги кунда олий ҳарбий таълим муассасалари ҳарбий кадрларнинг жисмоний тайёргарлиги ва ғоявий-мафкуравий иммунитетини кучайтириш, IT ва замонавий технологияларни қўллай оладиган, тезкор қарор қабул қилиш қобилиятига эга офицерларни тайёрлаш борасида қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Турли таҳдид ва хавфларни ҳамкорликда бартараф этиш мақсадида куч тузилмалари билан биргаликда олий ҳарбий таълим муассасаларининг курсант ва тингловчилари ўртасида қатор қўшма кўмондонлик ўқувлари ва бошқа шайлик машқлари ўтказилмоқда.

### Эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи

“Бизнинг энг катта бойлигимиз — эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган Янги Ўзбекистон ёшларидир” давлатимиз раҳбари бу фикрни бежиз алоҳида таъкидламади. Чунки бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг марказида айнан ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаши ҳамда ўз салоҳиятини тўла юзага чиқариши учун зарур шароитлар яратиш устувор вазифа этиб белгиланган. Бунинг учун ҳар йили 20 — 25 триллион сўм маблағ йўналтирилаётгани келажак тараққиётимизнинг муҳим кафолатидир.

Ёш авлодни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишини таъминлаш мақсадида Мудофаа вазирлиги қўшинларида ҳам қатор истиқболли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, аскарларни муддатли ҳарбий хизмат даврида олийгоҳларга тайёрлаш ҳамда “Битта аскар — битта касб” тамойили асосида касбга ўқитиш тизими йўлга қўйилди. Қисқа даврда 938 нафар аскар муддатли ҳарбий хизмат давридаёқ 51 та нуфузли олийгоҳга ўқишга қабул қилинди, 10 мингдан зиёди эса касб сертификатига эга бўлди.

Президентимизнинг “Ўқувчи-ёшларни чақирувга қадар бошланғич тайёрлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, ўқувчиларда ҳарбий-ватанпарварлик руҳини кучайтириш ҳамда фан ўқитувчиларининг касбий салоҳиятини оширишнинг яхлит тизими ишлаб чиқилди. Фан ўқитувчиларининг штат бирликлари Мудофаа вазирлигига ўтказилиб, уларни қайта тайёрлаш, моддий рағбатлантириш тизими такомиллаштирилди. Ҳар бир туманда биттадан “Жасорат мактаби” фаолияти ташкил этилди. Бугунги кунда 300 мингдан ортиқ ёшларни ўзида бирлаштирган “Ватан таянчи” ҳаракати ҳам навқирон авлодни ҳарбий-ватанпарварлик, миллий ғоя ва қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялашда ўзига хос ўрин тутмоқда.

### Манзилли ижтимоий ҳимоя

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш — давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири. Шу мақсадда офицерларга тўланадиган ойлик устама 2 баробар, сержантларнинг ойлик пул таъминоти эса 10 фоиз оширилди. Мудофаа ишлари органлари ходимларининг иш ҳақи 70 фоиз, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ижара компенсацияси 25 фоиз кўпайтирилди.

Шунингдек, Қуролли Кучлар сафида 30 йилдан ортиқ хизмат қилган ҳарбийлар учун пенсия миқдорини 100 фоизга оширишни назарда тутувчи тарихий қонун ишлаб чиқилмоқда.

Бундан ташқари, ҳарбий хизматчиларнинг 858 нафар фарзанди имтиёзли тавсияномалар асосида нуфузли олий ўқув юртларига қабул қилинди. 2018 йилдан буён жорий этилган мазкур имтиёзлар орқали жами 6 500 нафардан ортиқ ҳарбийларнинг фарзандлари талабалик бахтига сазовор бўлди.



### Миллий юксалиш дастурлари ва ташқи сиёсат

Президентимиз томонидан давлатимиз олдига қўйилган мақсадлар кўлами ниҳоятда кенг. Хусусан, яқин ўн йилликни чинакам миллий юксалиш даврига айлантириш учун илгари сурилган

> Давлатимиз раҳбарининг нутқидаги якуний фикрлардан шундай хулоса қилдимки, биз, Ватан ҳимоячилари барча ишларимизни “кучли армия — кучли халқ” тамойили асосида олиб боришимиз керак. Зеро, армиянинг қудрати халқнинг ишончи ва бирдамлигига таянса, юрт тинчлиги мард ҳарбийларнинг фидойилиги билан мустаҳкамланади. Бу икки қудрат уйғунлашган жойда ҳеч қандай таҳдид ва хавф-хатар юртимизга рахна сола олмайди.

**Ботир ҚУДРАТХЎЖАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, генерал-майор.**

еттита миллий дастурни инсон қадрини устувор қўювчи стратегик қадамлар, десак, асло муболаға бўлмайди. Билим ва малакани асосий капиталга айлантириш, соғлом турмуш тарзини таъминлаш, иқтисодиётимизни юқори технология ва меҳнат унумдорлиги моделига ўтказиш ёки экологик муаммоларни ҳал этиш — буларнинг барчаси бир умумий мақсадга — халқимизнинг фаровон ва тинч ҳаётини кафолатлашга хизмат қилади.

Шу билан бирга, баланд марраларга эришишнинг яна бир муҳим шарти бор, бу жамиятдаги тинчлик, тотувлик ва ўзаро ишончдир. Бугун юртимизда турли миллат ва конфессия вакилларининг бир оила фарзандларидек аҳил яшаётгани жамиятимизнинг кўп миллатли ва бағрикенгликка асосланган юксак маънавий қиёфасини ўзида намоён қилади. Шукроналик ва бағрикенглик туйғуси ҳукмрон жойда эса том маънодаги тараққиёт бўлади.

Эътиборли жиҳати, бу тинчлик ва прагматик ёндашув фақат ички сиёсат билан чекланиб қолмаяпти. Ўзбекистоннинг очиқ ва тинчликпарвар ташқи сиёсати, минтақамиздаги дўстона алоқалар, глобал миқёсдаги нуфузли ташаббуслар юртимизнинг халқаро майдондаги обрўсини янада юксалтирмоқда. Нутқда таъкидланганидек, мамлакатимиз 2027 — 2029 йилларда Қўшилмаслик ҳаракатига илк маротаба раислик қилиб, глобал тузилма самарадорлигини оширишга қаратилган ташаббусларни фаол илгари суради. Қўшнимиз Афғонистон бўйича конструктив сиёсатимиз ҳам қатъий давом эттирилади.

Белгилаб олинган дастурлар, кучли ижтимоий сиёсат ва мустаҳкам тинчликка асосланган йўл халқимизнинг эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлайди. Бу эса Янги Ўзбекистоннинг ёруғ келажаги ва барқарор тараққиётини таъминловчи энг қудратли кучдир.

### Осойишталик — ҳар недан афзал

Давлатимиз раҳбари эътироф этганидек, ўттиз беш йиллик мустақил тараққиёт йўли халқимизга бир ҳақиқатни ўргатди: агар халқ ва давлат ягона мақсад йўлида бирлашса, забт этиб бўлмайдиган марранинг ўзи йўқ. “Биз бугун кечагидан кучлимиз, эртага бундан ҳам кучли бўламиз”, деган қатъий ишонч юртимизда амалга оширилаётган барча ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятига сингиб кетиши зарур. Зеро, шундай қатъий ишончга эга халқни ҳеч қандай куч енголмайди ва унинг тинчлигини бузолмайди.

Бугунги нотинч ва таҳликали замонда мустақиллигимиз, осойишталигимиз ҳар недан афзал экани яққол сезилмоқда. Бу тинч ва фаровон ҳаётнинг қадрига етиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар қаторида ҳарбий соҳада эришилган ютуқлар, Қуролли Кучларнинг моддий-техник базаси тубдан яхшиланиб, замонавий талаблар даражасига кўтарилгани юртимиз ҳимояси ишончли қўлларда эканини кўрсатади. Бу жараёнда Ватанни кўз қорачиғидек асраб қўриқлаётган, ўз ҳаётини, керак бўлса жонини ўртага қўйган ватанпарвар, мард ўғлонларимизнинг фидойи хизмати чексиз ҳурмат ва эътирофга лойиқдир.

## Қайднома

1 НОЯБРЬ

## БУ ОЙДАН БОШЛАБ НИМАЛАР ЎЗГАРАДИ?

**Мамлакатимизда ушбу ойдан бошлаб кучга кирадиган қонунчиликдаги ўзгаришлар нималардан иборат? Қуйида шулар хусусида айрим маълумотларни тақдим этамиз.**

Меҳнат шароити зарарли ва оғир ишларда банд бўлган ҳамда бошқа умумий белгиланган ёшни қисқартирган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқи мавжуд шахсларга имтиёзли шартларда пенсия тайинлаш:

— фуқароларнинг хоҳишига кўра, Давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП (my.gov.uz) орқали уларнинг мурожаатлари бўйича хизматлар, асосан, интерактив шаклда кўрсатилади.

* * *

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида кузги кўчат экиш мавсуми бошланади. Бу йил кузда республика бўйича жами 140 млн. туп кўчат экиш режалаштирилган.

Кўчат экиш ишлари ҳудудларда турли муддатларда бошланади: Бухоро ва Навоий вилоятларида 5 ноябрдан, Андижон, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё, Наманган, Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида 10 ноябрдан, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида эса 20 ноябрдан.

* * *

“Транспорт-логистика тизимини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарорига кўра, халқаро курьерлик жўнатмаларини божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун амалдаги божхона йиғими ставкаси 20 фоизга пасайтирилади.

* * *

2030 йил 1 апрелгача иссиқлик энергиясини тежовчи махсус қоплама “кўрпа” билан қопланган ва (ёки) энергия самарадор “яшил” иситиш воситаларидан (иссиқлик насослари, геотермал иситиш тизимлари, қуёш иссиқлик тизимлари, электр энергияси асосидаги юқори самарали иситиш тизимлари) фойдаланаётган иссиқхона хўжаликларига октябрь — март ойларида истеъмол қилинган электр энергияси қийматининг 50 фоизи миқдорида субсидия ажратилади.

* * *

Тадбиркорлар томонидан ўрнатилган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлигини махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари орқали ҳайдовчиларнинг транспортни бошқариш ва йўловчилар ташишда хавфсизлик камаридан фойдаланиш қоидаларига риоя этмаганлик қоидабузарликларини қайд қилишга рухсат берилади.

* * *

Ички ишлар органларининг патруль-пост ва қўриқлаш хизматлари фаолиятига ўзгартиришлар киритилади. Улар жамоат жойларидан ташқари, аҳоли хонадонларида содир бўлган жиноят ва ҳодисалар ҳақида “112” орқали келиб тушган хабарлар бўйича ҳам тезкор етиб бориши керак бўлади.

Яна бир ўзгариш — патруллик йўналишларига маҳаллаларнинг ички кўчалари ҳам киритилади. 7/24 тартибидаги гастрономик кўчаларда жамоат тартибини сақлаш патруль-пост хизмати бўлинмалари томонидан амалга оширилади. Бунинг учун ички ишлар органлари ва ҳудудий ҳокимликлар ўртасида шартнома тузилади.

**«Халқ сўзи».**

# ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ – ИНТИЗОМ КАФОЛАТИ

*Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси мажлисида Навоий вилоятидаги жазони ижро этиш муассасаларида қонунчиликка риоя қилинишини таъминлаш, маҳкумларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш, шунингдек, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз муомаланинг олдини олиш бўйича амалга оширилган ишлар муҳокама марказида бўлди.*

## Сенат қўмитасида

Мазкур масала Сенатнинг 2026 йилга мўлжалланган иш режаси доирасида ўрганилган бўлиб, 26-27 октябрь кунлари ўтказилган мониторингда сенаторлар, Омбудсман, Жазони ижро этиш департаменти ва прокуратура вакиллари, тегишли вазирлик ҳамда идоралар мутахассислари қатнашган.

Қайд қилинганидек, Навоий вилоятидаги 5 та жазони ижро этиш муассасасида жами 8 204 нафар маҳкум сақланмоқда. Мониторинг давомида Навоий шаҳридаги 4-сон ва Қизилтепа туманидаги 5-сон колониялар фаолияти бевосита ўрганилди. Хусусан, ишчи гуруҳ аъзолари маҳкумларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларни ижтимоий реабилитация қилиш ҳамда сақлаш шароитлари билан танишди.

Айни жараёнда маҳкумларнинг қонунчиликда белгиланган ҳуқуқларини таъминлаш, улар учун яратилган маиший ва маданий шароитлар, оилавий учрашувларни ташкил этиш тартиби ҳамда замонавий имкониятлардан фойдаланиш ҳолатига эътибор қаратилди.

Жумладан, шу йил 15 январда қабул қилинган қонун билан Жиноят-ижроия кодексига киритилган маҳкумларга масофадан видео-учрашувлар ўтказиш имконини берувчи нормаларнинг амалдаги ижроси кўриб чиқилди. Бундай имкониятлар маҳкумларнинг оила аъзолари билан алоқаларини сақлаб қолишдаги аҳамиятига урғу берилди. Уларнинг меҳнат қилиш ва меҳнат хавфсизлигига оид ҳуқуқлари, ишлаб чиқариш жараёнларининг ташкил этилиши, шунингдек, кунлик озиқ-овқат таъминоти ҳолати ҳам эътибордан четда қолмади.

Ўрганиш натижаларига бағишланган Сенат қўмитасида бўлиб ўтган муҳокамада маҳкумларнинг бандлигини таъминлаш, касб-ҳунарга ўқитиш, хорижий тилларни ўргатиш, компьютер саводхонлигини ошириш, тиббий хизмат кўрсатиш масалаларига, шунингдек, улар сақланадиган шароитларга ва мурожаатларини ҳал қилиш борасидаги ишларга эътибор қаратилди.

Вилоятда меҳнатга лаёқатли 7 275 нафар маҳкумдан 6 647 нафари меҳнатга жалб этилган бўлиб, 2026 йилнинг тўққиз ойида уларга 22,9 млрд. сўмдан ортиқ иш ҳақи тўланган.

Ўз навбатида, жазони ижро этиш муассасаларида қонун устуворлигини таъминлаш, аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф қилиш, қийноқ ва бошқа шафқатсиз муомаланинг олдини олиш механизмларини такомиллаштириш ҳамда маҳкумларнинг жамиятга қайта мослашувига кўмаклашиш зарурлиги таъкидланди.

Мажлис якунида мониторинг натижалари ва билдирилган таклифлар асосида аниқланган муаммоларни бартараф этишга қаратилган қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

# ТАЪСИРЧАН ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИ ЎРНАТИЛИШИ ЗАРУР

*Аввал хабар қилганимиздек, парламент назорати доирасида сенаторлар ҳудудларда маҳаллий Кенгашлар фаолияти самарадорлигини ошириш, депутатлик назоратини кучайтириш ҳамда аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўрганиш ишларини амалга оширмоқда.*

## Сенатор ва ҳаёт

Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси Анвар Тўйчиев бошчилигидаги қўмита аъзолари Жиззах вилоятида бўлиб, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти билан танишди.

Дастлаб халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашида маҳаллий вакиллик органининг фаолияти, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда депутатларнинг иштироки ҳамда депутатлик назоратини амалга ошириш борасидаги ишлар юзасидан фикр алмашилди.

Шундан сўнг Арнасой ва Зарбдор туманлари Кенгашлари фаолияти ўрганилди. Учрашувларда депутатларнинг сайловчилар билан мунтазам мулоқотини йўлга қўйиш, ҳудудлардаги долзарб муаммоларни Кенгаш сессиялари ва доимий комиссиялар муҳокамасига олиб чиқиш, қабул қилинган қарорлар ижроси устидан таъсирчан назорат ўрнатиш масалаларига эътибор қаратилди.

Шунингдек, ҳудудларда амалга оширилаётган лойиҳалар ижросини тизимли мониторинг қилиш, мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш ва аниқланган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан амалий чоралар кўриш муҳимлиги таъкидланди.

Маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари фаолиятини самарали ташкиллаштириш, иш режаларини аниқ белгилаш, комиссия аъзоларининг ҳуқуқий билим ва амалий кўникмаларини ошириш, қонунчиликдаги янгиликларни мунтазам ўрганиб бориш масалалари ҳам муҳокамага тортилди. Мулоқотлар давомида иштирокчилар ўз фикр ва таклифларини билдириб, ўзаро тажриба алмашди.

**«Халқ сўзи».**

**Тошкент шаҳри, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ, Қибрай, Янгийўл, Зангиота ва Тошкент туманлари иссиқхона хўжаликлари фаолияти учун махсус экологик тартиб жорий қилинадиган ҳудудлар этиб белгиланди.**

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 31 октябрь

# ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ АРХИТЕКТУРАСИ

## — ягона тизим, мустақил университет ва илмий тараққиёт

*Ўзбекистонда таълим ва илм-фан соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакат келажагини белгилайдиган стратегик жараён сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 7 октябрь куни Таълим ва илм-фан вазирлиги фаолиятини ташкил қилиш ҳамда таълим тизимининг барча босқичида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар юзасидан тақдимот билан танишуви чоғида ҳам мактабгача таълимдан олий таълимгача бўлган босқичларни ягона тизим асосида ривожлантириш, бошқарувни рақамлаштириш, педагоглар салоҳиятини ошириш, университетлар мустақиллигини кенгайтириш ҳамда илмий тадқиқотлар натижадорлигини юксалтириш каби муҳим масалаларга эътибор қаратилди.*

### Нуқтаи назар



Мазкур ислоҳотлардан кўзланган мақсад — инсоннинг болаликдан бошлаб касбий камолотгача бўлган ривожланишини қамраб оладиган, билимни компетенцияга, компетенцияни эса амалий натижага айлантирадиган яхлит тизимни шакллантириш.

Бинобарин, замонавий таълим архитектураси бошқарув тузилмаларининг ўзгаришингина эмас, балки таълимга ёндашувнинг янгиланишини англатади. Унда ҳар бир босқич кейинги босқич учун мустаҳкам замин яратади, ҳар бир таълим муассасаси эса инсон салоҳиятини рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

#### Инсон капиталига илк сармоя

Инсоннинг дунёни англаши, билим олишга муносабати, мулоқот маданияти, қизиқишлари ва ижодий тафаккури шаклланишида болалик даври беқиёс аҳамиятга эга. Шунинг учун мактабгача таълимни такомиллаштиришни фақат болаларни мактабга тайёрлаш билан боғлиқ вазифа сифатида баҳолаш тўғри бўлмайди. Аслида, бу босқичда келажакдаги интеллектуал салоҳият, ижтимоий кўникмалар ва шахсий ривожланишнинг муҳим асослари яратилади.

Тақдимотда болаларнинг қизиқиш ҳамда қобилиятларини эрта аниқлаш, таълим дастурлари ва методикаларини янгилаш, тарбиячилар малакасини ошириш масалаларига эътибор қаратилгани ҳам шу жиҳатдан аҳамиятлидир.

Бу йўналишда ҳар бир боланинг ривожланишини мунтазам кузатиб бориш, ўйин орқали таълим олиш усулларини такомиллаштириш, нутқ ва тафаккурни ривожлантириш, ота-оналар билан педагогик ҳамкорликни мустаҳкамлаш муҳим ўрин тутади.

Бунинг учун, аввало, мактабгача таълим муассасаларида малакали кадрлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, тарбиячиларнинг касбий ривожланишига мунтазам шароит яратиш ва таълим сифатини баҳолашда боланинг ёши ҳамда индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш зарур.

Зеро, инсон капиталига киритилган дастлабки сармоянинг самараси боланинг мустақил фикрлашга, мулоқотга, изланишга ва янги билимларни эгаллашга интилишида намоён бўлади. Ушбу жараёнда педагогнинг вазифаси ҳам тубдан янгиланмоқда. Замонавий ўқитувчи ёки тарбиячи фақат билим берувчи эмас, балки бола ва ўқувчини мустақил изланишга йўналтирувчи, ахборотни танқидий баҳолашга ўргатувчи, унинг қизиқишларини қўллаб-қувватловчи ва шахсий ривожланишига кўмаклашувчи мутахассисдир. Демак, таълим ислоҳотларининг натижаси кўп жиҳатдан педагогнинг касбий салоҳияти, ижодий ёндашуви ва жамиятдаги мавқеига боғлиқ.

#### Касбий таълим: дипломдан амалий компетенцияга

Бугунги меҳнат бозори мутахассисдан ҳам назарий билимларни, ҳам замонавий технологиялардан фойдаланиш, жамоада ишлаш, муаммоларга ечим топиш ва ўзгарувчан шароитларга мослашиш қобилиятини талаб этмоқда. Технологик янгиланишлар тезлашаётган бир пайтда муайян касбни эгаллашнинг ўзи кифоя қилмайди. Инсон ўз билим ва кўникмаларини мунтазам янгилаб бориши, янги талабларни ўзлаштириши ҳам зарур.

Шу боис касбий таълимни ривожлантиришда иш берувчилар билан ҳамкорликни кучайтириш, ўқув дастурларини иқтисодиёт эҳтиёжларига мослаштириш ва назарий таълимни амалий тайёргарлик билан уйғунлаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Германиянинг дуал касбий таълим модели бу борада эътиборга молик тажрибалардан биридир. Ушбу моделда таълим муассасасида олинган назарий билим корхонадаги амалий тайёргарлик билан биргаликда олиб борилади. Натижада ўқувчи касб сирларини ўрганиш билан бирга, ишлаб чиқариш муҳити, меҳнат интизоми ва жамоавий фаолият талабларини ҳам ўзлаштиради.

Ўзбекистонда ҳам дуал таълим имкониятларини ҳудудларнинг иқтисодий ихтисослашуви ва меҳнат бозори эҳтиёжларидан келиб чиқиб кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Масалан, Тошкентда ахборот технологиялари, молия ва хизмат кўрсатиш, Фарғона водийсида саноат ва тадбиркорлик, Навоий вилоятида кончилик ва саноат технологиялари, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида эса туризм ҳамда хизмат кўрсатиш йўналишларида амалий тайёргарлик имкониятларини ошириш мумкин.

> *“Бугунги меҳнат бозори мутахассисдан ҳам назарий билимларни, ҳам замонавий технологиялардан фойдаланиш, жамоада ишлаш, муаммоларга ечим топиш ва ўзгарувчан шароитларга мослашиш қобилиятини талаб этмоқда. Технологик янгиланишлар тезлашаётган бир пайтда муайян касбни эгаллашнинг ўзи кифоя қилмайди. Инсон ўз билим ва кўникмаларини мунтазам янгилаб бориши, янги талабларни ўзлаштириши ҳам зарур.”*

Бунда корхоналар нафақат ўқувчилар амалиёт ўтайдиган жой, балки касбий таълим дастурларини ишлаб чиқиш, талаб этиладиган компетенцияларни белгилаш, ўқувчилар билимини баҳолаш ва муносиб мутахассисларни ишга қабул қилиш жараёнининг фаол иштирокчисига айланиши керак.

#### Ташаббус ва масъулият уйғунлиги

Замонавий таълим тизимини ривожлантиришда олий таълим муассасаларининг ўрни алоҳида. Чунки университетлар малакали кадрлар тайёрлаш билан бирга, янги ғоялар, илмий ишланмалар ва инновацион ечимлар яратиладиган муҳим интеллектуал марказлар ҳамдир.

Шу нуқтаи назардан, университетлар мустақиллигини кенгайтириш таълим ислоҳотларининг муҳим йўналишларидан бири сифатида қаралиши керак. Академик эркинлик, ўқув дастурларини меҳнат бозори талабларига мувофиқ такомиллаштириш, илмий устуворликларни белгилаш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш имкониятларининг кенгайиши олий таълим муассасаларининг рақобатбардошлигини оширишга шароит яратиши мумкин.

Бироқ мустақиллик фақат қарор қабул қилиш ваколатларининг кенгайиши билангина чекланмаслиги лозим. У масъулият, очиқлик ва натижадорлик билан уйғунлашганда кутилган самарани беради. Университет фаолиятини баҳолашда таълим сифати, битирувчиларнинг бандлиги, илмий натижаларнинг аҳамияти, академик ҳалоллик, молиявий шаффофлик ва жамият эҳтиёжларига муносабат каби мезонлар муҳим ўрин тутиши зарур.

Бунда олий таълим муассасаларининг барчасига бир хил ёндашиш ҳам тўғри эмас. Айрим университетлар фундаментал тадқиқотлар ва илмий мактабларни ривожлантиришга ихтисослаштирилса, бошқалари ҳудудий иқтисодиёт учун амалий мутахассислар тайёрлаш ёки муайян соҳаларда инновацион ечимлар яратишга кўпроқ ҳисса қўшиши мумкин. Муҳими, ҳар бир муассасанинг вазифалари аниқ белгиланиши, уларга салоҳияти ва натижаларига мос ривожланиш имкониятлари яратилишидир.

Университетлар мустақиллигини кучайтиришда академик эркинлик билан бир қаторда профессор-ўқитувчиларнинг касбий салоҳиятини ошириш, иқтидорли ёш тадқиқотчиларни қўллаб-қувватлаш ва илмий муҳитни мустаҳкамлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

#### Бош мақсад — инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан таълим ва илм-фанни ягона тизим асосида ривожлантиришга қаратилган ташаббусларнинг стратегик аҳамияти, аввало, мамлакат тараққиётининг узоқ муддатли мақсадлари билан чамбарчас боғлиқлигида кўринади. Таълим бошқарувини такомиллаштириш, рақамли технологияларни жорий этиш, педагоглар салоҳиятини ошириш, касбий таълимни меҳнат бозори билан уйғунлаштириш, университетлар мустақиллигини кенгайтириш ва илм-фан натижадорлигини юксалтириш — буларнинг барчаси ягона мақсадга хизмат қилиши керак. Бу мақсад билимли, мустақил фикрлайдиган, замонавий касбий компетенцияларга эга, янгилик яратишга қодир ва миллий қадриятларга содиқ авлодни тарбиялашдир.

Албатта, ислоҳотлар самараси қабул қилинган қарорлар ёки янгиланган бошқарув тузилмаларининг инсон ҳаётида қандай ўзгаришлар ясаши билан белгиланади. Бола сифатли таълим олиши, ўқитувчи ўз касбий салоҳиятини тўлиқ намоён этиши, битирувчи муносиб иш топиши, университет илмий кашфиётлар яратиши, тадқиқот натижалари эса иқтисодиёт ва жамият эҳтиёжларига хизмат қилиши — таълим тизимининг ҳақиқий самарадорлигини кўрсатадиган мезонлардир.

Зеро, таълимга киритилган сармоянинг энг катта натижаси инсоннинг ўз имкониятларини рўёбга чиқариши, жамиятда муносиб ўрин эгаллаши ва мамлакат тараққиётига ҳисса қўшишидир. Янги Ўзбекистоннинг интеллектуал ҳамда иқтисодий келажаги ҳам, аввало, ана шу имкониятларни қай даражада кенгайтиришимизга боғлиқ.

**Азизхон ТИЛЛАХЎЖАЕВ,**
**Технология, менежмент ва коммуникация институтининг ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.**

## ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА

### БМТ Бош котиби лавозимини ким эгаллайди?

*“The Wall Street Journal” нашрида ёзилишича, Оқ уй маъмурияти Венгриянинг собиқ Бош вазири Виктор Орбанга БМТ Бош котиби лавозими учун пойгага қўшилишни таклиф қилди.*

АҚШ Давлат департаменти вакилининг фикрича, дастлабки музокаралар якунларига кўра, Россия ва Хитой мазкур ғояни қўллаб-қувватлаган. Натижада Орбан БМТ Хавфсизлик Кенгашида “ҳеч қандай қийинчиликсиз” саккизта овозни қўлга киритиши мумкин. Шу билан бирга, у 15 та овоздан ўнтасини ҳам “эришиш мумкин бўлган” мақсад деб ҳисоблайди. В. Орбан Америка консерваторлари учун “қулай номзод”, чунки у оммавий миграцияга, либерал ноҳукумат ташкилотларига, шунингдек, қарашлари бўйича сўлчи бўлган судлар ва матбуотга қарши.

АҚШ расмийлари Орбаннинг БМТ Бош котиби лавозимига қизиқиши бор-йўқлигини аниқлаш учун у билан боғланган. Сиёсатчи ушбу таклифни кўриб чиқишга тайёрлигини, аммо ғалабага ишончи комил бўлмаса, ўз номзодини илгари суриш ниятида эмаслигини айтган.

БМТнинг амалдаги Бош котиби Антониу Гутерришнинг ваколат муддати 31 декабрда тугайди. Ташкилотнинг янги раҳбари 2027 йил 1 январдан ўз вазифасини бажаришга киришиши керак.

### Кундалик эҳтиёжмолларига талаб кучайди

*Буюк Британия ҳукумати фуқароларга кутилмаган фавқулодда вазиятларга тайёр туришни тавсия қилди. Яъни аҳолига уч кунга етадиган нақд пул, сув ва консерва овқатни захиралаш маслаҳат берилди.*

“The Independent” нашрида хабар берилишича, шундан сўнг мамлакатда худди пандемия даврида-гидек саросимали харидлар бошланиб кетди. Натижада консерваланган таомлар, радио ва чироқлар билан бирга ҳожатхона қоғозига талаб ҳам кескин ошиб кетди. Ҳожатхона қоғози ишлаб чиқарувчи “Cheeky Panda” компанияси савдо 2025 йилнинг худди шу пайтидагига нисбатан 43 фоизга ошганини маълум қилди.

“Serious Tissues” компанияси вакиллари ҳам охирги беш кунда савдо 36 фоиз ошганини билдирди. “B&M” тармоғида ҳожатхона қоғози савдоси 19 фоиз, “Maplin” дўконида эса чўнтак чироқлар савдоси 284 фоиз, радиолар 92 фоиз, повербанклар савдоси эса 106 фоизга кўпайди.

### Меҳнат ёшидаги фуқаролар улуши қисқармоқда

*Хитой Миллий статистика бюроси маълум қилишича, мамлакатда 65 ёш ва ундан катта аҳоли сони илк бор 14 ёшгача бўлган болалар сонидан ошиб кетди. 2025 йилда мамлакатдаги кексалар сони 223,65 миллионга етган бўлса, болалар 212,76 миллионни ташкил қилди.*

Қайд этилишича, 2025 йилда меҳнатга лаёқатли аҳолига нисбатан кексалар улуши 23,1 фоизга етган. Хитойда аҳоли сонининг ўсиши 2016 йилдан бошлаб секинлашган. 2022 йилда эса мамлакат аҳолиси илк бор камайган. Ҳозирги кунда Хитойда 16 — 59 ёшдаги аҳоли 851,36 млн. нафар. Бу жами аҳолининг 60,6 фоизига тенг. 65 ёш ва ундан катталар эса мамлакат аҳолисининг 15,9 фоизини ташкил қилади.

Таҳлилларга кўра, Хитой аҳолининг қариши ва меҳнат ёшидаги фуқаролар улушининг қисқариши билан боғлиқ узоқ муддатли демографик ўзгаришлар даврига кирган.

### Ўрнак бўлишга арзийдиган саховат

*Америкалик интеллектуал мулк ҳуқуқига ихтисослашган юрист Морган Чу ва унинг рафиқаси Ҳелен Чу Ҳарвард ҳуқуқ мактабига 31,4 млн. доллар хайрия қилди. Бу мактаб тарихидаги энг йирик маблағ бўлиб, у олтита янги профессорлик лавозимини молиялаштиришга йўналтирилади.*

Айтилишича, Морган ва Ҳелен 2013 йилда мактаб декани лавозимини молиялаштириш учун доимий фонд ташкил этишга маблағ ажратган эди. Оила ундан аввал талабалар стипендиялари, академик ютуқлар учун мукофотлар ва бошқа таълим ташаббусларини ҳам қўллаб-қувватлаган.

Морган Чунинг ота-онаси Хитойдан АҚШга кўчиб келган ва Массачусетс технология институти (MIT)да таҳсил олган. Отаси кейинчалик университетларда профессор бўлиб ишлаган.

**Интернет хабарлари асосида Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ (“Халқ сўзи”) тайёрлади.**

## Дил сўзи

# ИЖОД ВА ИНТИЛИШГА РАҒБАТ

*Президентимиз Шавкат Мирзиёев 26 октябрь куни пойтахтимизда ўтказилган кино соҳаси вакиллари билан мулоқотда миллий кино санъатида эришилган натижалар, ечимини кутаётган масалалар, уни ривожлантиришнинг янги йўналишлари ҳақида тўхталди.*



Тан олишимиз керак: бугун техника-технология, интернет замонида одамлар кинотеатрга кам боряпти. Лекин ривожланган давлатларда фильмлар намойишида кинозаллар тўляпти. Демак, томошабин кинодан, кинотеатрларга боришдан воз кечгани йўқ, фақат биз унинг диди ва талабидан келиб чиқиб, янги кинолар яратишимизни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Миллий кинони ривожлантириш учун соҳани бошқариш, молиялаштириш ва фильм яратиш вазифалари аниқ ажратилиши, Кинематография агентлиги тугатилиб, давлат сиёсатини юритиш ваколати Маданият вазирлигига ўтказилиши, вазирликда Кино санъати департаменти ташкил этилиб, унинг раҳбари мақоми вазир ўринбосарига тенглаштирилиши таъкидланди. Шунингдек, “Ўзбекфильм”нинг 10 гектарлик ҳудудида кино хизматлари жамланган ягона индустриал кластер — “Ўзбекфильм кино шаҳарчаси”га асос солиниши, шу мақсадга 400 миллиард сўм йўналтирилиши барча ижодкорлар қатори мени ҳам қувонтирди. “Кино шаҳарчаси”да қурриладиган замонавий Дубляж ва овозлаштириш маркази учун 80 миллиард сўм ажратилади. Қуйи Чирчиқ туманида замонавий талаблар асосида таъмирланган “Кўҳинур” сиҳатгоҳи тўлиғича кино ижодкорлари ихтиёрига берилади.

Эллик йил умримни кино соҳасига бағишлаган ижодкор сифатида бундай юксак имтиёзлар, рағбатлардан жуда хурсанд бўлдим. Давлатимиз раҳбари санъат ва маданият вакилларини қўллаб-қувватлаб, уй-жой ва ижтимоий шароитларни яхшилашга алоҳида эътибор бераётгани таҳсинга лойиқ.

Бундан 36 йил олдин суратга олган фильмим “Абдуллажон”да бир эпизод бор. Унда раис “Кетмоним учмаяпти”, дейди. Мана, менинг ҳам кетмоним уча бошлади. Албатта, бу ҳазил гап. Лекин меҳнатларим давлатимиз назарига тушиб, менга Янги Тошкент ҳудудида қурилаётган кўп қаватли уйлардан 3 хонали хонадон калити топширилгани кутилмаган совға бўлди. Камтарона меҳнатларимнинг бундай юксак эътирофга лойиқ топилиши ёқимли, албатта.

Яхши кино яратиш учун ҳалол меҳнат, ватанпарварлик ва халқимизни севиб ижод қилиш зарур. Ижодий жамоамиз тасвирга олган “Ватан” фильми 2007 йилда Малайзияда ўтказилган 50-халқаро кинофестивалда “Осиёнинг энг яхши фильми” номинациясига даъвогарлик қилган. 2011 йилда суратга олинган “Қўрғошин” бадиий фильми Россияда бўлиб ўтган “Киношок” халқаро фестивалида қатнашиб, “Энг яхши киносценарий” номинациясида ғолиб бўлган. Давлатимиз раҳбарининг биз билан учрашуви янада яхшироқ ишлашга, янги фильмлар олишга рағбатлантиради.

**Зулфиқор МУСОҚОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби.**

# МАҲАЛЛАДА ДАРОМАДЛИ ИШ ЎРИНЛАРИ

*Зомин туманининг “Қўрғон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган “Ёшлар технопарки”да яна бир корхона фаолияти йўлга қўйилди. “Sweet baraka house” масъулияти чекланган жамияти томонидан қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бошланди.*

### Имконият



— Умумий қиймати бир миллиард сўм бўлган мазкур лойиҳа доирасида корхонамизга Германия ва Италияда ишлаб чиқарилган замонавий технологик ускуналар ўрнатдик, — дейди корхона раҳбари Ҳамид Хўжабеков. — Дастлабки босқичда 50 нафар хотин-қиз ва ёшлар доимий иш ўрнига эга бўлди. Галдаги мақсадимиз маҳсулотлар тури ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, шоколадли маҳсулотлар ассортиментини кенгайтириш ҳамда ўз брендимизни яратишдан иборат.

Корхонада айни пайтда 15 турдан ортиқ қандолат маҳсулотлари, жумладан, болажонлар севиб истеъмол қиладиган турли шакл ва ҳажмдаги печеньелар тайёрланмоқда. Ишлаб чиқариш қуввати йилига 500 тоннани ташкил этади.

**Толибжон ЭРГАШЕВ (“Халқ сўзи”).**

# МАЪРИФАТ ВА ЭЗГУЛИК МАСКАНИ

*Урганч шаҳрида Ўзбекистон мусулмонлари идораси Хоразм вилояти вакиллигининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Тадбир аввалида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ушбу бино атрофига манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.*

### Бунёдкорлик

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар йиғилганларни замонавий бино билан муборакбод этиб, илгари вилоят вакилликларининг ўз бинолари бўлмагани, бугун эса ҳудудларда мана шундай муҳташам иморатлар қад ростлаётганини таъкидлади.

Миллий архитектура ечимлари уйғунлигида бунёд қилинган бинода ўқув семинарлари, маънавий-маърифий тадбирлар ва турли учрашувларни юқори савияда ўтказиш учун барча зарур шароитлар яратилган. Бу ерда кичик мажлислар зали, шунингдек, ахборот-медиа фаолиятини ташкил этиш ва тасвирга олиш учун махсус хоналар мавжуд.



Замонавий имкониятларга эга ушбу маскан диний-маърифий соҳадаги ишларни тизимли йўлга қўйиш, аҳолининг диний саводхонлигини ошириш, ёшлар қалбида эзгулик, бағрикенглик ва ўзаро ҳурмат туйғуларини мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

**Одилбек ОДАМБОЕВ (“Халқ сўзи”).**

**Низомий Ганжавий номидаги Ўзбекистон миллий педагогика университетининг Психология ўқув-илмий маркази негизида Психология илмий-тадқиқот институти ташкил этилади.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1042. 17 780 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Қаршиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.25 Топширилди — 01.15 1 2 3 4 5 6